

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

● Бугунги кунда область саноат ишлаб чиқаришида машинасозлик, қора ва рангли металлургия, химия, электр-техника саноати, кўмир саноати, электр энергетикаси салмоқли ўрни тутади. Покижхт области корхоналари самолётлар ва қишлоқ хўжалик машиналари, трансформаторлар ва кўприк қранлари, тўқимачилик саноати ва пахта тозалаш заводлари учун иссиқлик ва атом электростанциялари учун дастгоҳлар ишлаб чиқаришда.

● 1985 йилда саноат корхоналари 17,5 миллиард киловатт-соат электр энергияси, 3467 миң тонна минерал ўғит (шартли бирликда), 7598 миң квв. кучлиги трансформаторлари, 26,4 миңга трактор, 8,2 миңга чигит экин селмалари, 1576 та экскаватор, 1444 та кўприк электр қранлари, 138,2 миң тонна пахта толаси ишлаб чиқарди.

● Утган беш йилда «Ташкентметалл», «Ташкентхлопок», «Иккиламчи ва маҳаллий ресурслар», «Агро-муҳит муҳофазаси» комплекс программалари бўйича ишлар олиб борилди. Озиқ-овқат программаси ҳаётга таъбиқ этилди.

● Фақат 1985 йилнинг тўқинчи ойи ичида механизацияланган, комплекс автоматлаштирилган цехлар, ишлаб чиқариш участкалари, 80 та механизацияланган поток, комплекс механизацияланган, автоматик ва комплекс автоматик линиялар жорий этилди, 74 та янги хил машиналар, дастгоҳлар, аппаратлар, приборлар ишлаб чиқариш ўрнатилди. Утган йили «Тошкент трактор заводи» бирлашмасининг 100 от кучига эга бўлган тракторнинг давлат синовидан ўтказилди. «Средазкабель» бирлашмасида янги телефон кабел ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

● 1985 йилнинг биринчи ярмида янги корхоналик ва рационализаторлик таклифларида 25 миллион сўмлик иқтисодий самара олинди.

● Олтита район, 80 та хўжалик мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилди. Булар картошка, мева ва узумнинг асосий қисмини, сабзавотнинг учдан икки қисмини етиштириб беради. Телпикалар майдои кенгайтиди, подкислен плевисаси остида дон этиштириш кенгайтиди. Сут етиштириш ва чорвачиликнинг бошқа тармоқларини янада иқтисодлаш тадбирлари кўрилади. Қорамолларнинг бўрдоқча боқишда, саноат асосида гўш ва тухум етиштиришда концепция ривож топти. Ҳозирги вақтда областда 33 та ихтисослашган комплекс бўрдоқчилик хўжалиқлари ва паррандачилик фабрикалари ишлаб турибди.

● СССРнинг озиқ-овқат Программасини амалга оширишга саноат корхоналари қўшган ҳисса ошди. Минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалик машиналари ва механикларни қўлайди. Герметик кабинали тракторлар, универсал культиватор ва селмалар, кузови кенгайтирилган прицеплар серияли ишлаб чиқарила бошланди. Саноат корхоналарининг меҳнатчиларига гўш, сут етказиб бераётган ёрдамчи хўжалиқлари янада ривожланди.

● Ҳаётнинг беш йилликда давлат пахта ва бошқа баъзи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш планлари бажарилди.

● Давлат капитал маблағлари ва колхозларнинг маблағлари ҳисобига ўн биринчи беш йилликда 15,6 миң гектар янги суғориладиган ерлар ишга солинди.

● Беш йилликда радиотелевизион миқдори ишга туширилди, автомат-телефон станцияларининг ҳажми кенгайтиди, 32 та алоқа бўлими очилди, салкам 97 миңга янги радиоточка ўрнатилди.

● Областининг 134 та илмий муассасасида 29,1 миң илмий ходим, шу жумладан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг 89 акадemiаги ва мухбир аъзоси, 947 фан доктори ва 11249 фан кандидати иш олиб борапти.



ҲАЁТИМИЗ ПРОГРАММАСИ

Partiyaning съездодди ҳужжатларини муҳокама қиламиз

Сўз-партия ташкилоти секретарига

ЯҚДИЛЛИК

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида партиянинг программ ҳужжатларини муҳокама қилиш юксак меҳнат ва сийосий кўтаринкилик руҳида ўтмоқда. Механика-йиғув ишлаб чиқариши партия ташкилотиде ҳам муҳокамага бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчилари съездодди ҳужжатларини атофлича ва чуқур таҳлил этишиб, кўплаб қимматли таклифлар киритишди. Съездодди партия ҳужжатларида ривожланган социализмин янада тақомиллаштириш ўз ифодасини топган. Ишчилар шу боисдан ҳам манфаатдорлик туйғуси билан фикр-мулоҳазалар билдиришди.


— Корхонамида рақамли бошқариш дастгоҳлари, кўплаб янги техника ва механизмлар ўзлаштирилмоқда, — дея таъкидлади 91-цех тоқари В. Одилов. — Фан-техника тараққиёти асосида муҳим масалаларни ҳал қилишимиз лозим. Янги техника, албатта, инсон бошқариши керак. Шу боисдан ҳам КПССнинг янги тахриридаги Программаси лойиҳасида инсон омилини активлаштиришга катта аҳамият берилган.

Шундан кейин В. Одилов цехдаги аажувд камчиликларга тўхтади. Улар бир маромда ишлашга тўққинлик қилмоқда. Эскирган дастгоҳлар, унумсиз ускуналар мавжуд. Гоҳида энг оддий иш курулларини топшиш мумкин бўлмади. Иш жойларининг тартиби бўлиши ҳам етарли эътибор берилмапти. Цех киши мавсумига яхши тайёрланмаган. Иккинчи сменда ёритиш воситалари яхши ишлаймайди. Бу камчиликларни бартараф этиш инсон омилини активлаштиришга иккинчи таъсир кўрсатиши аниқ. Коммунистлардан Н. Автимонов, В. Аульчон, У. Башкирцев, В. Каприеловлар ҳам ишлаб чиқариши ташкил этишни яхшилашга хизмат қилмаган масалалар ҳақида гапиришди.

Кейинги пайтда 30-цех техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилади. Лекин нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Шу боисдан В. Симонов меҳнат интизомини мустаҳкамлашни алоҳида таъкидлади. Ишга кекиб келиш ва умуман ишга келмаслик ҳолатлари юз бераётган бир пайтда ишлаб чиқаришда юксак кўрсаткичларга эришиб бўлмайди. Ишнинг манфаати партия, касба союзи ташкилоти, раҳбарлардан тартибу-зарарлар қарши курашни кучайтиришни талаб қилмоқда. Ичкиликбозлик, тартибузарарликка принципиал баҳо берилиши керак.

Конференция делегати билан сўхбат

УЛҒАЙИШ



Тошкент область XXII партия конференциясида «Уртоқ» қондиртер фабрикасининг ишчиси Жамила Бузрукхонова делегат сифатида иштирок этмоқда. Виз у билан уррашиб, сўхбатлашдик.

— Фабрикага тасодифан келиб қолганимиз ёки бирон сабаб бўлганми? — Қизиқимиз сабаб бўлган, Ёшлигимда ширинликларни жуда яхши кўрадим. Ахир қайси бола ширинликни ёмон кўради дейсиз! Қарамолнинг ичига юшюқ масса қандай тушиб қолиши ҳақида жуда кўп ўйланардим. Бу менга худди мўжизавидек туюларди. Ана шу қизиқ аста-секин орзуга айланди. 10-синфни битирганимдан сўнг фабрикага келдим. Шогирдликка қабул қилишди. Любовь Александровна Қаландарова ва Лола Уктамова. Аҳмадовалар касб сирларини ўргатишди. Қийналган дақиқаларимда худди ўз онамдек маслаҳат беришар, ёрдам қилини чўшарди. Шунинг учун ҳам қандолатчилик сирларини тезда ўрганиб олдим.

— Ишчилки фаолиятингизда қачонда қолдиган воқеалар катта бўлган? — Учинчи беш йилликда. Ишлаб чиқаришда қўлга киритган зафарларим ва жамоат ишларида иштироким учун менга Ўзбекистон Ленин комсомолли мукофотининг лауреати унвонини беришди. Беш йиллик иш акунига кўра «Шавақли меҳнати учун» медали билан тақдирландим. Тўртинчи айтганда, мендек бир оддий ишчи учун булар жуда катта мукофот эди. Янада тез, сифатли ишлашга ҳаракат қилдим. Шунинг учун бўлса керак корхона коллективи ўртасидаги хурматини ошиб борди.

Механика-йиғув ишлаб чиқаришининг бошқа цехларида бўлган партия йиғилишларида ҳам жиддий гаплашиб олинди. Меҳнатни ташкил этишга КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1985 йил) Пленуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларидан келиб чиққан ҳолда баҳо берилди, камчиликлар очиб ташланди, уларни бартараф этиш чоралари белгиланди. Шунингдек, коллектив олдига турган вазифаларни ундаш учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этиш йўллари аниқланди.

Коммунистлар КПССнинг янги тахриридаги Программага лойиҳасини муҳокама этиш ва ётганда аҳамиятли молик таклифлар ҳам киритишди. Жумладан, 23-цех меҳнат ва иш ҳақи бўлимининг бошлиғи Р. Бекмаматов Програмага лойиҳасининг табиий ресурслар, тоқаш, материал, ёнгили ва энергиядан омилкорлик билан фойдаланиш ҳақида гапирилган бандига тўхтади. «Партиянинг иқтисодий стратегияси» бобидаги «Фан-техника тараққиёти хом ашёни қазиб олиш ва комплекс қайта ишлашдан тортиб то пировард маҳсулотни чиқариш ва ундан фойдаланишга қадар» — ҳамма босқичларни табиий ресурслардан, хом ашё, материаллар, ёнгили ва энергиядан фойдаланишни тубдан яхшилашга қаратилган қишлоқ жумласига «Ишлаб чиқаришга кам чиқитилган чикитси технологияни изчиллик билан жорий этиш» сўзларини қўшиб қўйишни таклиф этди.

Маълумки, партия социал масалаларни ҳал қилишга алоҳида эътибор бермоқда. Бу КПССнинг янги тахриридаги Программаси лойиҳасида ҳам ўз ифодасини топган. Лойиҳа муҳокамасига бағишлал 65-цехда ўтказилган йиғилишда коммунист А. Иванов таклиф

«Партиянинг социал масалаларни ҳал қилишга алоҳида эътибор бермоқда. Бу КПССнинг янги тахриридаги Программаси лойиҳасида ҳам ўз ифодасини топган. Лойиҳа муҳокамасига бағишлал 65-цехда ўтказилган йиғилишда коммунист А. Иванов таклиф

«Партиянинг социал масалаларни ҳал қилишга алоҳида эътибор бермоқда. Бу КПССнинг янги тахриридаги Программаси лойиҳасида ҳам ўз ифодасини топган. Лойиҳа муҳокамасига бағишлал 65-цехда ўтказилган йиғилишда коммунист А. Иванов таклиф

Коммунистлар намунаси

ТУҲФА

Сергей Иванович Пашин меҳнат қилётган участкада турли хил металл конструкцияларни учун қоллилар тайёрланади. Бу кўп меҳнат талаб қилдиган жараёндир. Айни пайтда ишчидан юксак маҳорат талаб этилади. Сергей Иванович ишчилки хизмати давомида кўп ўзгаришларни кўрди. Давр талабига қараб тайёрланаётган маҳсулотлар ўзгариб борди. Лекин бир нарса ўзгариши йўқ. У ҳам бўлса ишчилки касбига, коллективга бўлган меҳрдир. Ҳа-ло мехнат туйғулари унинг хурмати ошди.

Коммунистлар катта ишонч билдиришди уни Фрунзе район партия комитетига аъзоликка сайлашди. Бу ишонч уни янги меҳнат зафарлари сари ундади. С. Пашин корхонада биринчи бўлиб КПСС XXVII съезди оқилдаган кунга қадар икки ойлик топиришни бажариш ташаббуси билан чиқди. Электр пайванди Владимир Миченков, слесарь Музафар Маждов, силлиқовчи Вадим Аэропетов, йўналиш Валентин Тимофеев сингари унлаб коммунистлар унинг яхши ташаббусини биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлашди.

Экспериментал-механика заводида ҳар қандай янгиликни қўллаб-қувватлаш ва жорий этиш аънава бўлиб қолган. Шу боисдан ҳам коллективнинг зафарлари бойиб бормоқда. Бунга бир мисол. Коллектив ўн биринчи беш йилликда топшириққа қўшимча 30 миң сўмлик маҳсулот тайёрлашга муваффақ бўлди. Ҳозир ҳам зарбдор сурат давом этапти. Меҳнат бешлашувиде коммунистлар намуна кўрсатишяпти. Улар смена ва ҳафталик топириқларини 115—120 процентга бажаришга эришмоқда.

Бу уларнинг Тошкент об-ласт XXII партия конференциясига муносиб армуғонидир. М. ОТАХОНОВ.



СУРАТЛАРДА: «Қизил тоғ» ишлаб чиқариш бирлашмасининг илгор ишчиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депу-

тати Д. Умарова; бирлашманиннг бир гурпу илгор ишччилари; 2515-автокoлонна ҳайдовчилар бригадаси бошлиғи Е. И. Имомов.

2. ПУДРАТЧИ ҲАЙДОВЧИЛАР

Коллектив меҳнат шартномасига имзо чекканлар орасида 2515-автокoлонна ҳайдовчилар бригадари коммунист Едгор Имомовнинг номи бор. Биз Едгор билан «А3—52» фуругон автомобилга кийимлар орттилишни кузатиб турган пайтда танишдик.

— Кўриб турганингиздек, — деди у фахр билан, — фуругоннинг ичи зич қоплама билан қопланган. Демай, чап ва наглик хавфли эмас. Мен 1968 йилдан бери Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номили шу бирлашмага хизмат кўрсатяман ва аяпта, ташви жаранга рўй берган ўзгаришларнинг гувоҳи бўляман.

Е. Имомов бригадасининг барча олти ҳайдовчиси 1985 йилдан бошлаб пудрат усулида ишлашга ўтган. Уларга ш-ҳарнинг энг йирик савдо кор-хоналари, Чиноз ва Тўйтепа-даги магазинлар бирикитриб қўйилган. Табиийки, коллек-

3. «ҚИЗИЛ ТОҒ» МАРРАЛАРИ

Республиканиннг кеска тикув корхоналаридан бири йил сайин техник жиҳатдан «бешар-моқда». Коллектив ўн иккинчи беш йиллик учун янги мар-раларни белгилаб, биринчи навбатда фан-техника тарақ-қиётини жадаллаштириш ҳақи-да гамхўрлик қилмоқда. Ишга туширилетган замонавий тех-нология жиҳазлари, меҳнатни ташкил этишининг тақомиллаш-тирилиши халқ истеъмоли то-варлари ишлаб чиқаришининг Комплекс программасини амалга оширишга қаратилган.

«Қизил тоғ» буюмларига талаб жуда ўсгани беиз эмас. Корхонафақат «Н» «Ян-гилки» индекси билан маҳсу-лотнинг 42 процентини ишлаб чиқаради. Тикувчилар планга қўшимча 1.200 миң сўмлик товар маҳсулот реализация қи-лишяпти.

Корхона ишчилари қўша шартномада Тошкент Марка-зий универсал магазинга ке-лишувга мувофиқ раиғ-баранг

«Уроқ ва Болға» иттифоқига садоқат

ЮТУҚЛАРИМИЗ МАНБАИ

М. РУЗИМАТОВ, Урта Чирчиқ районидеги Охунбобоев номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қахрамони, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутаты.

НОЛЗОМИМИЗ ўтган беш йилликни муваффақиятли э-зкулади. Давлатга пахта, пил-ла, чорва маҳсулотлари ет-казиб бериш бўйича топири-қлар р ортиги билан адо этилди. Айниқса, чорва ма-ҳсулдорлигини ошириш, ети-тириллаётган сут ва гўшт ма-ҳсулотларини қўлайтириш, тан-нархини арзонлаштириш бў-йича анча ишлар қилинди.


Пахтачилик ҳўжалигимизда етакчи тармоқ ҳисобланади. Биз бу тармоққа ҳамиша би-ринчи даражада аҳамият бе-риб келаямиз. Утган беш йил мобайнида давлатга 20 миң тоннага яқин «оқ олтин» со-дик. Бу қилмабтоҳа хом ашё маҳсулотини асосий қисмини юқори сортларда тайёрладик.

Пахтачиликда асосий ишлар машина — механизмлар зими-мага юклатилганлиги ютуқлар омилли бўляпти. Барча агро-техника тадбирларининг техник қадан самарали фойдаланиб, тез ва соғ ўтказилиши тўза-нинг тез этилиши, ҳосили бў-лик ва юқори сифатли бўлиши таъминламоқда. Колхоз-мизнинг пахта етиштириш ва уни йиғитириб оlishдаги яхши тажрибасини районимиз ва областимиздаги кўплаб хўжа-лик коллективлари ўрганиша-япти.

Утган йили пахта йиғити-теримини ўн олти иш кунида тамомадик. Ҳар гектардан 37 центнердан, жами эса 4 миң тонна «оқ олтин» етказиб бер-

дик. Бу ҳосилнинг 80 фоизи «зангори кема» бункерлари-дан тўкилди. КОММУНИСТЛАР терим мавсумидаги унумли ва сифатли меҳнатнинг чинакам ташкилотчилари бўляпти. Улар теримда техникадан са-марали фойдаланишга эътибор бериб, механизаторлар учун қўлай меҳнат шартлоари яратишди. Натижада илгор ме-ханизаторлар Р. Абдуразоқов, Н. Тожиқулов, М. Ҳайдаровлар «зангори кема» бункеридан «150—200 тоннага етказиб «оқ олтин» тўкишди. Ю. Султонов, Н. Фозилов, Қ. Йўлдошев бошлиқ бригадаларининг кол-лективлари ҳар гектар май-дондан 40 центнерга етказиб ҳосил кўтардилар.

Мана бир неча йилдирки, биз пахта ҳосилини шахарлик хашарчилар ёрдамисиз йиғи-тириб олаямиз. Аммо фо-лиятимизнинг барча соҳала-рида Тошкент меҳнаткашлари-нинг мададини ҳис этиб ту-рибмиз. Ҳозир хўжалигимизда қи-лоқ хўжалиги илмини яхши билган юқори малакали мута-хассисларнинг катта отряди меҳнат қилапти. Буларнинг деврили ҳаммаси республика-миз пойтахтидаги олий ва ўр-та маҳусу билим юртиярини битирилган. Делаларинида гуриллаб ишлётган техника воситаларининг асосий қисми ҳам Тошкент саноат корхона-ларида тайёрланган. Шаҳар



«Ўзбексельмаш» машинасозлик ишлаб чиқариш бирлашма-си коллективиде шу кунларда КПСС XXVII съезди ва респу-блика Компартиясининг XXI съездининг меҳнатда муносиб туҳ-фалар билан кутиб олиш учун социалистик мусобақа қизи-моқда. Бирлашма ишчилари деҳқонлар учун зарур бўладиган техника воситаларини тез ва соғ тайёрлаб, ўз вақтида етказ-иб беришга ҳаракат қилмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: тайёр маҳсулотни топириш бўйича | слесарь-созловчи Асад Раҳматов УПХ—1,5 «В» кўрва чувиши ма-шинасининг бюуртачиларга ўнатишга тайёрлапти; 1 корхо-на техника контроли бўлими бошлигининг ўринбосари Э.Э. Цой ва слесарь-созловчи Н. Андреева янги СХУ—4 чигит экинчи се-алкаларини кўздан кенчиришяпти. М. Нуридинов фотоллари.

ДЎСТЛИК МЕВАСИ

Диққат, ташаббус!

ТОШКЕНТ тонгида ажойиб бир фусункорлик бор. Хали агрофага ёруғ тушмай камгап ва чапдаст фаррошлар хибонларга парвона, сут машиналари дўконлар олдига натор тизилиб турган, иссиқ ўриндан тура солиб, сут ташвишида югуриб юрган шаҳарликларнинг оидмларида фақат сахараси кишиларга хос шидда. Бу шундай тароватли шаҳарини, бир марта субди-содинда унинг жамолига термулган одам шунга ўрганиб қолади. Кейин ҳар гал эрта туриб ўз-ўзидан кўчага, шаҳар ис-тибобига ошмаверади.

Худди ана шундай дамлар ҳаммаини хайлига ҳам келавермайдиган бир факт. Ҳар тонга шаҳардаги юзлаб катта-кичи корхоналарда тайёр маҳсулотлар сафарга шай туради. Қишлоқ меҳнаткашлари энг замонавий «пўлат тулпорлар», улар учун эҳтиёт қисмлар жўнатилади, курувчилар бунёдкорлик материаллари, чеварлар кийим-кечак, хуллас, улкан шаҳар ўзида мужассам барча яхши нарсаларини деҳқонга тавсия қилади.

Мен гоҳо сафар пайтлари оқчи вагонларда салобат тўкиб турган баҳайбат эксна-

Абдулла ОРИПОВ, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати.

ваторлар, терим машиналари, комбайн ва тракторларни кўриб ич-ичимдан фахрланаман. Улар Тошкент тухфаси, деб ифтихор ва ҳавас билан термуламан. Деҳқон юртда бундай замонавий техниканинг аҳамиятини юракдан ҳис қилганим учун ҳам фахрланаман.

ГОҲО аксинча ҳам бўлади. Шаҳар юборган «пўлат тулпорлар» яна шаҳар кучоғига қайтиб келади. Бутунлай эмас — бир муддатга, бадий қилиб айтлса — нафас ростлагани. Улар яна ремон қилиниб, ҳордиғи ёзилиб, жинжинлаган тўйдек эски нардони — Бободоҳқон хузурига охиради. Унга қўшилиб шудгор қилади, чияғит эвади, пахта таради, бугунги ўради ва тагин ҳеч нима бўлмагандек мавсумга тайёрлаб қўради. Кейин яна оғир ва шарофли меҳнат соломаси давом этаверади.

Шаҳар ва қишлоқ дўстлиги ҳақида гап кетганида мавсумий ҳашарчиларнинг ҳиммати ҳақида алоҳида гапириб ўтиш лозим. Бу ме-

кўрган кишинизга совға қилаверинг...

Полиэтарларда етишган ширин-шакар ҳандалан, қовун, тарвузлар, чорбоғлар кўрки олма, узум, анорларнинг энг сарҳили шаҳарликлар дастурхонини бегайди.

Лавҳамизнинг бошяда келтирилган сут машиналари нарвоннинг олдига бўлади. Шаҳарга ҳамма қишлоқ иш-матини у бошлаб келади.

Умуман, шаҳар ва қишлоқ, «Уроқ ва болға» дўстлиги ҳақида гап кетганида икки масканинг бир-бирга тортиғинга улгулганмайди. Бу нарсаларнинг ҳаммаси пировард натижада ўзаро ҳамкорлик, ҳамжихат ва ҳам-қадамликнинг ривожланиши, дўстона муносабатларнинг камол топишига хизмат қилади. Бу дўстликнинг умри боний, у кунма-кун янада кўчүмоқда, қад ростламоқда, ҳавасини тортмоқда. Бу дўстликнинг энг олий ме-валари эса бизнинг биргаликдаги меҳнат ва ижодий ютуқларимиз, изланишлари, мизнинг баракали самараларидир.

НУМУШРАНГ қор гулпи-лаб ёғиб турган ҳақратон қишда кўнглингиз бир жуфт чиннигулли қўсаб қолса, гул дўноғига ошмақасиз. Ана шунда эски қаддонингиз Деҳқон ёрдамга келади. Сизга нафосат ва кўрк тақдим этаётган алвон чиннигул унинг қадок қафтида ўсган. Марҳамат, олингу энг яхши



СУРАТДА: Тошкент тўқимачилик комбинати ва Л. Бабровалар газламалар кўздан кечирмоқда.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

● Ун биринчи беш йилликда Тошкент областида 7438 минг квадрат метр, шу жумладан Тошкентда 4283 минг квадрат метр турак йири қуриди. 1985 йилда Тошкентда 866 минг квадрат метр турак йири фойдаланишга топшириди.

● Республика Фанлар академиясининг институтида 230 тема бўйича тадқиқотлар бажарилади. Ҳўжа-лик шартномалари бўйича тадқиқотлар ҳажми салкам 17 миллион сўмини ташкил этади.

● 1981—1985 йилларда Тошкент областида 126,6 минг ўқувчига мўлжалланган 149 та умумтаълим мактаби шу жумладан Тошкентда 54,6 минг ўқувчига мўлжалланган 45 та мактаб фойдаланишга топшириди. 1985 йилда Тошкентда 12,3 минг ўқувчига мўлжалланган 11 мактаб қуриди.

● Областда беш йилликда 36711 ўришли, шу жумладан Тошкентда 15560 ўришли мактабга таълим босқичлари муассасалари нинга топширилади.

● Беш йилликда соғлиқни сақлаш объектларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Бу даур ичида 4340 ўришли, шу жумладан Тошкентда 2220 ўришли ши-фохоналар нинга тушди.

● Тошкентнинг 18 та олий ўқув юртида 150 мингдан зиёд студент, 38 та ўрта махсус ўқув юртида 56 мингдан зиёд ўқувчи таълим олмоқда. Уларда 1985 йилда 25 мингдан зиёд олий маълу-мотли ёш мутахассис, 15 минг ўрта зveno мутахассиси тайёрланди.

● Областнинг 40 мингдан зиёд йигит ва қизлари 98 та ўрта хўнар-техника билим юртларида 80 касб бўйича таълим олмоқдалар.

● Ун биринчи беш йилликда меҳнаткашларнинг сиёсий ва меҳнат активлиги аинқас-са ошди. Областнинг 500 дан зиёд ишлаб чиқариш илғори, икки беш йиллик топшириқни ба-жарди. Стахановчилик ҳара-катининг 50 йиллигига 5,5 минг киши беш йиллик план-ларини адо эттишди. 23 мингдан зиёд ишчи, икки ярим мингта яқин брига-да ўз зиммаларига КПСС XXVII съезди очиладиган кунгача 1986 йилдаги 5-инчидан қаватл топширғи-ни бажариш мажбуриятини олдидлар.

● Бригада усулига ўтиб ишлаётган коллективлар со-нин беш йилликда аяча ошди.

● Ҳозирги вақтда турли министрик ва идораларнинг 320 дан зиёд корхонаси кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаряпти. Ун биринчи беш йилликда бундай маҳсулот-лар ишлаб чиқариш ҳам ош-ди.

● Қоммунал хўжалиги ри-воқланди. Агар 1981 йилда 687 минг квартира газлашти-рилган бўлса, 1985 йилда 778 минг квартира газлашти-ряди.

● Областнинг 1059 ку-тубхона ходимлари катта маданий-оқарғув ишлари олиб бормоқдалар. Шундан 212 таси Тошкентда жойлашган. Буларнинг китоб фонди 18317 минг нусхани ташкил этади.

● Шаҳарда 1234 маиший хизмат кўрсатиш корхонаси бор. Булар 1985 йилда 88151 минг сўмлик хизмат кўрсатди. Бу ерда кийим ва пойфазаллар ремонт қи-линади, яқна буюртмалар бажарилади. Трикотаж буюм-лари тўқилади, радиотелеви-зион апаратуралар, маиший машиналар ва приборлар ремонт қилинади, металл буюмлари тайёланади. Транспорт восталарига тех-ниқ хизмати кўрсатилади, мебеллар тайёрланади.

● Тошкентнинг 640 та мактабга таълим босқичлари муассасаларида 151 минг бола тарбияланади.

● Тошкент областида иш-лаётган барча ихтисосдаги 21 мингдан зиёд врачдан 15900 нафарни шаҳар даво-лаш-профилактика муасса-саларида ишляпти.

ИШОНЧ

— Нина Николаевна ўз иши-ни пухта биладиган, ҳар бир топшириқни маъсулият билан бажариладиган мутахассис, — деди бизга «Центрэнерго-ремонт» ишлаб чиқариш бир-лашмаси партия ташкилотининг секретари Алексей Куз-мич Харченко. — Ассосий иш-дан ташқари корхона партия комитети бюросининг аъзоси. Киров район партия комитети ревизия комиссиясининг аъ-зоси сифатида ҳам катта иш-ларни амалга оширмоқда. Ай-ни пайтда район халқ суди-нинг маслаҳатчиси сифатида тартиб ва нитизолани муста-қаллашга ҳам катта ҳисса қи-лмоқда.

Нина Николаевна Гладкая-нинг ассосий вазифаси муқова-ловчиликдир. Сирдан қара-ганда бу жуда оддий туо-лади. Аслида эса анча мурак-каб касб. Корхона ишчи ва хизматчилари халқ хўжалиги-ни узлуксиз энергия билан таъминлаб турган йирик иш-вотларни таъмирлаш билан шуғулланишади. Барча ишлар мураккаб ҳисоб-китоблардан сўнг амалга оширилади. Агар хужжатларда бирон-та камчиликка йўл қўйилса, бутун иш барбод бўлиши мум-кин. Буюрта на ассосида йи-рик қозончалар, генератор-лар, турбиналарнинг ремонт қи-лиш учун техник хужжатлар тайёрланади. Сарфланадиган металл, меҳнат ва хом ашё синичиллаб ҳисоблаб чиқилади. Сўнг алоҳида китобча кўрини-шида мутахассисларга топши-рилади. Ана шу китобчадаги ҳар бир рақам, ҳар бир белги Нина Николаеванинг қўлидан ўтади. Бинобарин, ундан кат-та маъсулият ва жавобгарлик талаб қилинади.

Деярли тўққиз йилдан буён унинг шаинига фақат яхши сўзлар айтиб келинмоқда. Чунки у тайёрлаган хужжат-ларда ҳеч қачон камчиликлар-га йўл қўйилмайдди. Хужжат-ларнинг асл нусхалари ҳам, улардан олинган кўчмалар ҳам юқори сифатли бўлади. Ремонт ишларини амалга оши-раётган кишилар чалғиб қо-лишмади. Шу бондан ҳам республикамиз турли шаҳар-лардаги йирик электр стан-циялари ва иссиқлик электро-станцияларини ремонтдан чи-қарган кишилар иш ни-ҳосида хужжатларни тайёр-ловчиға, албатта, раҳмат деб қўяди.

Корхона Сирдарё, Ангрени ва Янги-Ангрени ГРЭСлари, Навоий, Фарғона, Тошкентдаги электр станцияларининг таъ-мирлашига муҳтож қозончо-на, генератор, турбиналарини ремонт қилишга ихтисослаш-ган. Бу анча мураккаб ва қўл меҳнат талаб қиладиган вазифадир. Айтиш мумкинки, бирлашма ишчи ва хизматчи-ларнинг ўз вазифаларига жонқуярлик билан қарашлари тўғрисида, республикамиз халқ хўжалигининг барча тармоқла-ри электр энергияси билан узлуксиз таъминланмоқда.

Ишларни пухта ва сифатли бажаришда коммунистлар на-муна кўрсатишмоқда. Нина Николаевна Гладкая уларнинг орасида ҳам ажралиб туради. Камсукма, касбдошларига ме-ҳрибон аёл. Ташаббускорлик, янглигини тез илаб олиш ҳам унга хос хислатлардан. Юю-рида айтганимиздек, у ўзига топширилган партия ва жа-момат топшириқларини бажар-ишда жонбозлик кўрсатмоқ-да. Ҳар соҳада ибрат бўлаёт-ган пешқадам ишчиға корхона коммунистлари ҳам, Киров район санавот корхоналарида-ги коммунистлар ҳам катта ишонч билдиришди. Уни Тош-кент область XXII партия кон-ференциясига делегат этиб сайлашди.

Юскак ишонч жонқуяр иш-чини янги меҳнат зафарлари сари ундади. У КПСС XXVII съезди очиладиган кунга қад-ар шу янглиниг икки ойи топ-шириқини бажариш мажбурия-тини олди.

Сўз—конференция делегатларига ШОГИРДЛАР—КЕЛАЖАГИМИЗ

Санъатнинг даргоҳи кенг, дейди халқимиз. Ҳақиқатан ҳам шундай. Лекин мен ана шу соҳанинг бир вақили сифатида, маъзур ибора замирида жуда катта маъсулият борлигини ҳис этман. Зотан, бадийят ҳам, нафосат ҳам маъсулият меваларидир.

Мен шахримизда ва Тошкент областида фаолият кўрсатаётган кўпдан-кўп хаваскор-лик коллективларининг концерт программал-ларини кўрганимда кўнглимдан мана шундай гаплар кечеди. Уларнинг беш мақсади элга хизмат қилиш, фикри-уйи муҳлисига янги бир оҳанг ва жозоба тортиқ этиш бўлса, санъатнинг даргоҳи кенглигини, бироқ бу дар-гоҳ фақат ҳақиқий иқтидор эгаларига муштоқ эканлигини юракдан ҳис қилишса, дейман.

Менимча, санъат соҳасида мураббийлик-нинг аҳамияти ҳақида алоҳида гапириб ло-зим. Бизда овози, услуби билан санъатда ҳа-қиқий янглик ярата оладиган истеъдодли ҳаваскор ишлар жуда кўп. Уларнинг дастлаб-ки қадамлари томошабин учун ҳам, ўзлари учун ҳам завқу-шавқли бўлиши эса кўп

жиҳатдан устоз санъаткорларға боғлиқ. Улар-нинг эътибори, маслаҳатлари, узоқ йиллик ку-затиш ва тақрибларидан келиб чиқиб бу-йирган истақлари ёш санъаткорларға ҳаётини бир сабоқ бўлади.

Мен санъат фақат устоз ва шогирд ҳам-корлигида рўйбга чиқади, демократиямиз, ана шу машаққатли биргаликда меҳнат ва мулоқот тўғрисида ҳақиқий жилд топади, чирой очади демокцияман.

Шу уринда ўзим меҳр қўйган соҳа — ди-рижёрликда иқтидорли ёшларимиз сефининг янада кенгайишини истардим. Бу соҳада айниқса, қизларимизнинг изланишлари са-марали бўлишини, улар пахтакор республика-миз, мамлакатимизда муҳлисларнинг эътибо-рини қозонишларини истардим.

Д. АБДУРАҲИМОВА,
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат опера ва балет катта театрининг беш дирижёри, СССР халқ артисти, Тошкент область XXII партия конференцияси делега-ти.

САМАРАЛИ НАВЛАР

Тез пшарлиги, юқори ҳо-сидорлиги ва вилыта чида-млик билан ажралиб ту-радиган «С — 4880» ва «С — 6524» навли пахтани тадбиқ этишга тайёрланди. «С — 4880» пахта нави 1985 йилда Тошкент ва Наманган област-лари далаларида ишлаб чиқар-иш синоидан муваффақият-ли ўтди. «С — 5624» нави эса бу йил Тошкент ва Наманган областлари дала-ларида кенг синоидан ўткази-лади.

Биз юқори маҳсулдорлиги билан ажралиб турадиган «С — 4880» пахта навини Тошкент областида энг ишчун тавсия қилдик. Унинг 80 — 90 про-центини биринчи сортга қабул қилинади. Бу пахтанинг чиг-ти тез униб чиқиш сўйсизлига эга, об-ҳавонинг ноқулай ша-роитларига яхши бардош бе-ради.

Бу пахта нави ўтган 1985 йилда Тошкент областининг деярли барча районларида экилди. Областининг кол-хозлари ва совхозларида бу нави парвариш қилиш на-тижалари шунини кўрсатдики, унинг ҳосили, толасининг аж-ралиши, механизация востан-сида теришга мослиги, вилыта чидамлиги билан бошқа районлаштирилган пахта на-варидан ажралиб туради.

процентга ёғбоп чигит бери-ши, вилыта касалликлар ва зараркундаларға юқори чи-дамликни индустриал техноло-гия ассосида парвариш қилишга мос келадиган эрталиш пах-та навларини яратиш шу кун-нинг энг муҳим иқтисодий ва социал вазифасидир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бизнинг олдимидаги навларни яратиш мўддатини 1,5 — 2 марта қис-қартириш, шу билан ҳар бир 3 — 6 йилда пахтанинг нави-ни янгилаб туришдек муҳим ва-зифа қўйди. Ана шу вазифа-ларини бажариш билан бирга институтнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ҳам аҳамият берилмоқда. Ҳозирги пайтда Урта Осиёда биринчи марта фитотронни селекцион комплекс қурилмоқда. Ана шу комплекс ишга туширилиши билан селекция ишлари жара-ёни тезлашади, йилга 2 — 3 марта ҳосил олиш имконияти яратилади. Бизнинг ассосий ва-зифамиз — КПСС XXVII съездин ва Ўзбекистон Ком-партиясининг XXI съездинин му-носиб кўтиб олишга, қишлоқ хўжалиги фани ва амалиётда илмий-техника тараққийтини жадаллаштириш ишига муно-сиб ҳисса қўшишдан иборат.

М. ПУЛАТОВ,
Г. С. Зайцев номидаги Бу-туниттфоқ пахтачилик се-лекцияси ва уруғчилик ин-ститутини директорининг ўрин-босари, қишлоқ хўжалик фанларини кандидати.

4. ГАЗЛАМА ЖИЛОСИ

Тошкентлик тўқимачилар ўз маҳсулотларини пойтахтимизда-ги ЦУМга етказиб бериш бў-йича биринчи марта коллектив шартнома имзоладилар. Бу йил мағазини пештахталарида ишлаб чиқарилаётган 22 хил ил газ-ламанда 16 хили, 1250 минг сўмлик пайдо бўлади. Бу корхонаға ҳам, универмаға ҳам фойда. Илгари ЦУМ баз-а орқали комбинатдан 400 минг сўмлик маҳсулот олар эди.

Бу йилдан бошлаб тўқима-чилик комбинати кенг миқёс-ли иқтисодий эксперимент ша-ронинда ишляпти. Бундай си-фат ўзгартиш янги техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар билан

таъминланади. Чунончи, маҳсу-лот реализация қилиш ўтган йилга нисбатан 1,8 процентга ё-қни 6,5 миллион сўмга қўя-ди. Агар ўтган йили тайёр газлама ишлаб чиқариш 221,3 миллион погон метрни ташкил этган бўлса, бу йил 228,3 мил-лион погон метрга етади.

Пардозлаш фабрикаси кол-лективини умумий йилгилида «Энг яхши газламалар— тош-кентликларга» шiori остида ишлашга яқдиллик билан қар-ор қилдилар. Ш. Шаловор ва К. Ражабовлар бошчилигидаги ракистлар бригадаларининг аъзолари газламаларға энг чи-ройли гулларни топширишад.

ЦУМ харидорлари уларнинг ишига ҳам муносиб баҳо бера оладилар. Бўйиш, назорат-бра-к-лаш цехларининг коллектив-лари сифатини яхшилаш юзасидан янги мажбуриятлар олишди. В. Холиқова ва В. Жиронкина-ларнинг бригадалари, мастер ёрдамчиси Л. Иброҳимова XXVII съезд очиладиган кунга-ча икки ойлик план-топшири-қларини бажаришға ақд қилиш-ди.

Тўқимачилик комбинати кол-лективини ЦУМга газлама етказ-иб бериш планини 21 дека-бргача бажаришға қарор қил-ди.

(4-бетга қараң).

Фанимиз уфқлари

ТАБИАТ ИНСОН ХИЗМАТИДА

борасидаги ишларни ҳам таъкидлаб ўтиш керак. Жумладан, шу вақтга қадар гўзанинг чигити мағзидан фақат ёғ ва кунжар олинар эди. Олимлигимиз чигит мағзидан озик-оватда иш-латиладиган оқсил, фитин ва рафиноз олиш техно-логиясини ишлаб чиқдилар. Озик оқсилни бузоқ-ларни боқишда сут ўрнида берилади ва кол-баса тайёрлашда ишлятилади, фитин — меди-цинада, рафиноз эса наслдор чорвачиликда қўлланади.

Ҳозирги пайтда Кўкон ёғ-мой комбинатида озик оқсилни, фитин, рафиноз ишлаб чиқариш бўйича янги цехни созила ишлари олиб бори-лмоқда.

ШУНИНГДЕК биз қизгин изланишлар олиб бо-раётган проблемалардан бири ювувчи востан-ларни тайёрлашда қўшиладиган янги актив био-логик моддалардир. Ҳозирги пайтда фарма-цевтика сановати чинкидларидан ювувчи востанлар сифатида фойдаланиш мумкинлиги ўрганилмоқда.

Маъзлумки, одамлар қадим-қадим замонлар-дан буюн хасталикларини даволашға ўсимликлар-дан фойдаланганлар. Лекин шифобахш ўсимлик-лар олами ҳозирғача ўзининг янги-янги сирла-рини очиб беришмоқда. Ана шунинг учун ҳам шифобахш ўсимликларини химик ва фармаколо-гик тадқиқ этиш давом этимоқда, препаратларни синтез қилишга катта аҳамият берилмоқда. Институтимиз коллективи ана шу вазифаларини самарали ҳал этиш учун бир неча йилдан буюн

қизгин иш олиб бормоқда. Натижалар сал-моқли бўлаётир: Урта Осиё территориясида ўсадиган 4 мингдан ортиқ ўсимлик турфи синичиллаб ўрганқлиши натижада қатор ши-фобахш препаратларни яратишға эришилди. Ун би-ринчи беш йилликда — тери хасталикларини даволаш учун ишлятиладиган псоберан препа-ратни, асаб касалликлари ва бошқаларда қў-лланадиган дезоксиметилан гидроксид препа-ратни медицинада тадбиқ этилди ва кенг қўл-ланилмоқда. Ҳозирги пайтда антиаритмик препа-ратни клиник синоидан ўтказилиши ниҳосига етказилди ва олинган ижодий натижалар шунини кўрсатмоқдаки, СССР Соғлиқни сақлаш министри-лигининг фармакология комитети энг яқин вақт-лар ичида юрак ва унинг ишлаш мароми касал-ликларини даволаш учун қўлланадиган бу препаратни амалда қўлаш учун рухсат беради, деган умиддамиз.

Партия ва ҳукуматимизнинг қарорларидан рух-ланган институтимиз ходимлари илмий-техника тараққийтини янада жадаллаштириш мақсадида ўзларининг бутун куч ва гайратларини мамла-катимиз медицинаси ва қишлоқ хўжалиги эҳти-ёи учун муносиб қўл келадиган самарали пре-паратларни яратиш борасида қизгин изла-нишлар олиб бораверадилар.

А. ГЛУШЕНКОВА,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мух-бир аъзоси, Ўзбекистон ССР Фанлар академия-си химия ва ўсимлик моддалари институти ди-ректору.



Бутун совет халқи қатори Г. С. Зайцев номидаги Бутуниттфоқ пахтачилик селекция-си ва уруғчилик илмий-тадқиқот олимлари ҳам ўз ушбу съездда кунлариди юскак кўтарилиш билан меҳнат қилмоқ-да. Улар 17 беш йилликда қишлоқ хўжалик фанининг ишлаб чиқариш билан алоқасини замон та-лаби даражасига кўтариш иштиқидалар.

СУРАТДА: республикамиз совхоз ва кол-хозларига аллақачон гўзопалар йиғиштириб олинган бу ерда, синов ишлари олиб бори-лаётган лабораторияда эса, гўза энди кучга кирмоқда.

ЯШНАЁТГАН БОҒЛАР

Р. Р. Шредер номли ил-мий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳ-натчилари республика-миз колхозлари ва совхозла-рида боғдорчилик ва узум-чиликни янада тараққий эт-тириш мақсадида қизгин иш-олиб бормоқдалар. Олимла-римиз самарали изланиш на-тижасида ўн бир беш йил-ликда илмий-тадқиқот ишла-ри планига кўра 34 масала бўйича тадқиқотларни ниҳоя-сига етказишга, давлат сина-пчи учун мева ва узумнинг 19 та янги юртини Ҳосиддор навини топширишди.

Бирлашманинг ходимлари фан ютуқларини ишлаб чи-қаришга тадбиқ этишга кат-та эътибор бормоқдалар. Пойтахт областидаги «Ого-нён», «Олмазор» Охунбобоев номли, Паркент районидаги Синельс номли, «Қирбай», «Оҳангарон», «Хўжакент», «Чорвоқ» совхозларида, Тошкент районидagi Карл Маркс номли совхозда, Ус-мон Юсупов номли комби-натда ва бошқа қатор хўжа-ликларда умумий майдони 2 минг гектар жойда 15 та илмий ечимни тадбиқ этил-ди. Ҳар йили Тошкент обла-стининг колхозлари ва совхозларига мева ва узумнинг районлаштирил-ган истинболли бир миллион донадан ортиқ на кўчатла-ри етказиб берилмоқда.

Илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективлар-нинг кучи ва унинг автор-лик назоратини остида ҳар йили тадбиқ этишдан 10-12 миллион сўм иқтисодий са-мара берадиган 28-30 илмий ечим 40-45 минг гектар май-донда тадбиқ этилмоқда.

Бирлашма колхоз ва сов-хозлар учун боғбонлар ва соҳибкор кадрлар малакаси-ни ошириш ишига ҳам катта аҳамият бермоқда. Ҳар йили бирлашмада ўтказилаётган семинарларда мингдан ортиқ киши таърибасини ошир-моқда. Бундан ташқари боғ-бонлар техникуми ва бир йиллик мактабда ҳар йили 300 дан ортиқ мутахассис, механизатор, бригадир тай-ёрлаб чиқарилимоқда.

Партия ва ҳукуматимиз совет олимлари олдиға ил-мий-техника тараққийтини янада жадаллаштириш мақ-садида қўйган, вазифалар муносабати билан илмий иш-лаб чиқариш бирлашмаси коллективини ўзининг бутун диққат-эътиборини илмий-тадқиқотларини самара-дорлигини ошириш, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни яхшилашга қаратмоқда.

М. МИРЗАЕВ,
Р. Р. Шредер номидаги илмий-ишлаб чиқариш бир-лашмаси беш директори, ВАСХНИЛ мухбир аъзоси, область XXII партия конфе-ренцияси делегати.

Диққат, ташаббус!

Маданий хизмат

ЗАВҚЛИ КОНЦЕРТЛАР



СУРАТДА: Тошкент марказий универсал магазиннинг газламалар бўлимида савдо қизғини.

5. ЦУМ МЕҲМОНЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

...Ҳа, ҳар кун бу ерга қарийб 150 минг киши келади. Бугун нимани таклиф этасиз! — дея қизиқиб сўрадик пештахта ходимларидан. ЦУМ директори Ҳабидулла Раҳматов Шариповнинг кайфияти яхши — йил ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорлик ҳақида коллектив шартномани имзолашдан бошланди. Планлар катта ва ҳозирдаёқ амалга оширилга бошланди. — «Қизил тонг» салкам беш миллион сўмлик маҳсулотини етказиб беради, — дейди директор. — Узбекистон ССР ва Узбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги бирлашма бир ярим миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот беради. Утган йили шу икки корхона буюмларини олиш учун навбатда туриб қолшарди. Заъмонвий кюстюмлар, газламалар хориждан келтирилганидан қолмайди. «Қизил тонг» пальтосининг қундуз ёқаси кўркам. Биз бу корхоналар ва тўқимачиларнинг маҳсулотини кенг реклама қиламиз. Мавсумий савдо кўргазмалари, харидорлар конференциялари ва бошқа харидорлар эҳтижини ўрганиш тadbирлари режалаштирилди. Биз навбатдаги конференция ўтказилишини кутиб турмай, ўзимиз бевосита Тошкент тўқимачилик комбинати маркази қўйилган газламалар сотилаётган секция ёнида ўтказишга қарор қилдик. Фрунзелик меҳмон, инженер-технолог Надежда Андреевна Скопинава Тошкентга келган мандировкага келган. Кенгашдан кейин ЦУМга кирибди. — Чит, гулли хомир, мал-мал... — дейди у, — бизда но- 86 газламалар. Бу ердагиларнинг гули ҳам менга ёқади. Устки аёллар кийими бўлимида биз бошқача фикрларни эшитдик. ТошДУ студенти Рашида Шоисмонлова ўз мўлоҳазасини айтди. — Йил охирида чиройли пальтолар бўлган эди. Ушанда харид қилишга улгурмаган эдим. Энди келсам қолмабди... — Ташвишланманг, — дея жилмайди катта кассир-контролёр, ЦУМ комсомол комитети секретарининг ўринбосари Людмила Славкина. — Гап шунданки, бизда ўтган йилги бирорта буюм қолмади. Талаб шундай катта. Эртага кириб ўтинг, янги мол келади, истаган размерингизни таялаб оласиз. Лекин, савдо ходимларининг бошқа жиддий проблемалари ҳам бор. ЦУМда ҳақли равишда товар оборотини бошқариш йўли билан ҳам яшилди мумкин деб ҳисоблашади. Агар савдо жиҳозлари заводда кийим размерига мос қилгалар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришганда эди, кийим магазинда янада хушбичим кўринган бўлар эди. Ғилдиракли вешалкалар яратилиши эса буюмларни машинадан тўғри залга туширишни тезлаштирган бўлар эди. Шартнома имзоланди. У ҳаётга тадбиқ этилган. Энг муҳими ана шунда.

М. МУРОДОВ, В. ЭНКЕР, «Тошкент оқшомини» ва «Вечерний Ташкент» муҳбирлари. Г. Екубов ва М. Нуриддинов фотолари.

Қори-Екубов номидаги Ўзбек Давлат филармониясининг турли коллективлари қишлоқ меҳнат ахли ҳузурда тез-тез концертлар бериб туриши яхши аъёнага айланиб бормоқда. Бу билан қишлоқ ва шаҳар ўртасидаги маданий ҳамкорлик алоқаси кун сайин мустақамлашиб борапти.

Пойтахт областининг турли районларида, Фарғона ва Наманган областининг шаҳар ва қишлоқларида мунтазам маҳоратини намойиш этаётган «Шодлик» ашула ва рақс ансамбли қатнашчилари мароқли концерт программасини тайёрлашган. Пойтахт областининг қишлоқларидаги томошабинлар ансамблининг етакчи солистлари Ўзбекистон ССР халқ артисти Қизилхон Дўстмуҳамедова, республикада хизмат кўрсатган артист Фуломжон Екубов ва бошқаларнинг чиқишларини самимий оқшиламоқдалар. Бу концерт программаларида қишлоқ меҳнат ахли учун атай тайёрланган янги қўшиқлар билан бирга, томошабинларга севилиб қолган номрлар ҳам намойиш этиляпти.

Давлат филармониясининг «Лазги» ашула ва рақс ансамбли икки ойдан ортиқ вақт мобайнида қишлоқлар меҳнатчилари ҳузурда муваффақиятли концертлар беришди. Томошабинлар Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ортиқ Отажонов ва ансамбль солисти Мавлуда Ойнакулованинг чиқишларини самимий кутиб олишди. Бу санъаткорлар Чорвоқ ГЭСи бунёдкорлари, шунингдек республиканинг бошқа зарбдор куриллишларида ҳам концертлар беришди.

«Ўзвэл» ансамбли Самарқанд области қишлоқ меҳнатчилари учун 20 дан ортиқ концерт намойиш этди. Муножот Йўлчиева ва Олимжон Орифжонов сингари таниқли санъаткорлар қўшиқлари билан тингловчи қалбига завқ бахш этишди. Бундан ташқари Ўзбекистон халқ артисти Зоҳид Ҳақназаров дирижёрлик қилаётган давлат симфоник оркестри Тошкент области кохзолари ва совхозлари меҳнатчилари ҳузурда концертлар беришда феолият кўрсатмоқда.

Энгил атлетика

Тошкентликлар ярим финалда

Пойтахтдаги «Пахтанор» стадиони ва «Ешлик» аренасида энгил атлетика бўйича СССР Кубоги зона мусобақалари якунланди. Бу турнирда Хоразм, Навоий, Қорақалпоғистон областларидан бошқа республикамизнинг барча областлари ва Тошкент шаҳри командалари қатнашди. Энгил атлетикачилар спортининг 30 га яқин тури бўйича беллашдилар. «Ешлик» аренасида ўтказилган лангар чўпда баландликка саровчилар ўртасида Тошкент Армия спортган клубининг вакили Валерий Ишутин 5 метру 65 сантиметр натижа кўрсатиб, биринчи бўлди. Бу муваффақият билан бирга у халқаро классдаги спорт мастери талабини бажарди.

Турнирда 275 очко жамғарган Тошкент шаҳри командаси ғолиб чиқди. Иккинчи ўринни 216 очко тўплаган Самарқанд области энгил атлетикачилари эгаллашди. 167 очко жамғарган Фарғона области номандасига фахрли учинчи ўрин nasib этди. Тошкент шаҳри командаси СССР Кубоги мусобақаларининг 16 — 18 январь кунлари Пенза шаҳрида ўтқизилган ярим финал баҳсларида иштирок этишади.

Редактор Т. М. ҚОЗОҚБОВ.

РЕКЛАМА


КИНО ВА ФОТО ҲАВАСКОРЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

ШАХРИМИЗ МАГАЗИНЛАРИДА КИНОФОТО ҲАВАСКОРЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНГ ЯНГИ УСУЛИ ЖОРИЙ ЭТИЛМОҚДА. Яъни — КИНОФОТО ПЛЕНКАЛАР ПРОЯВКА ҚИЛИШ УЧУН МАГАЗИНЛАРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАПТИ.

Балки ЦУМ, Навоий қўчасидаги савдо расталари, «Динамо» магазинидаги фалати контейнерларга эътибор бергандинсиз. Шаҳар аҳолиси пленка сотиб олар экан, шу ернинг ўзида илгари суратга олинган плёнкаларни прояска қилиш учун магазинга топширади.

15 КУН ЭТГАЧ, ПРОЯВКА ҚИЛИНГАН ПЛЕНКАНИ «ТАШГОРФОТО» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ИХТИСОСЛАШГАН КИНОФОТО СТУДИЯСИДАН ОЛИШ МУМКИН.

Чунончи студия мутахассис консультациясини олсангиз бўлади.



Шу ернинг ўзида сизнинг негативларингиздан оққора ва рангли тасвирдаги фото суратлар чиқариб беришлари мумкин.

СТУДИЯ СЛАЙДЛАРДАН РАНГИЛИ ФОТО СУРАТЛАР ҲАМ ИШЛАБ БERAДИ.

ҲОҲЛАСАНГИЗ КИНОФОТО СТУДИЯДА СИЗ ЎЗ ТЎИНИГИЗ, ТУРЛИ ОИЛАВИЙ БАЙРАМЛАРГА БАҒИШЛАНГАН ФИЛЬМЛАРГА БУЮРТМА БЕРИШИНГИЗ МУМКИН.

ҲОҲЛАСАНГИЗ КИНОФОТО СТУДИЯДА СИЗ ЎЗ ТЎИНИГИЗ, ТУРЛИ ОИЛАВИЙ БАЙРАМГА БАҒИШЛАНГАН ФИЛЬМЛАРГА БУЮРТМА БЕРИШИНГИЗ МУМКИН.

САЙЕР ФОТОГРАФ ДОИМ СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДА

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Олмазор массиви, 14-уй. Телефон 45-57-35 (метронинг «Халқлар дўстлиги» станцияси).

«ТАШГОРФОТО» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

БУЮМЛАР ОСОН ЮВИЛАДИ

АГАР ХОНАДОНИНГИЗДА «ВЯТКА-АВТОМАТ-12» КИР ЮВИШ МАШИНАСИ БУЛСА АСЛО ҚИЙНАЛМАЙСИЗ. БУ МАШИНА КИР БУЮМЛАРНИ ЮВАДИ, ЧАЯДИ, СИНКАЛАЙДИ, КРАХМАЛЛАЙДИ, АНТИСТАТИК ИШЛОВ БERAДИ. СИҶИВ ҚУРИТАДИ.

БАРЧА ЖАРАЕНЛАР АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН.

Унинг режамли иш тартиби сув, электр қуввати ва кир ювиш воситаларининг оз сарфланишини таъминлайди.

Буюмларга ишлов бериш учун 12 программа мавжуд. МАШИНА СОВУҚ ВА ИССИҚ СУВ ТАЪМИНОТИ ТАРМОГИДАН ИШЛАЙДИ.

«ВЯТКА-АВТОМАТ-12» кир ювиш машинасини марказий универсал магазиннинг «Майший-техника» салонидан сотиб олишингиз мумкин. Баҳоси — 400 сўм. Кредит йўли билан ҳам буюмни сотиб олас бўлади. «Трансагентство» сотиб олинган молни уйингизга етказиб беради.

ШУ КИР ЮВИШ МАШИНАСИНИ ХОНАДОНИНГИЗДА УРНАТИБ БЕРУВЧИ УСТАЛАР ИШЛАЙДИГАН «ЎЗБЕКХЛОПКОМАШ», «ТАШАВТОМАШ», ЗАВОДЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИНИ ЭСЛАБ ҚОЛИНГ: 66-26-03 ВА 67-34-84. УРНАТИБ БЕРИШ ИШЛАРИ БЕПУЛ БАЖАРИЛАДИ.

ЦУМ (телефон 56-77-91).



«Онега» — уйдаги қулайлик

«ОНЕГА» КОРПУСЛИ МЕБЕЛЛАР ТЕРМАСИНИНГ ШКАФЛАРИ ИДИШ-ТОВОҚЛАР, КИТОБЛАР, ИЧКИ КИЙИМЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ЖУДА МОС.

Манзарали гул солинган ойна ва махсус безаклар мебелнинг ташиқ қиёфасини ғоятда кўркам қилган.

«ОНЕГА» КОРПУСЛИ МЕБЕЛЛАР ТЕРМАСИНИ «МЕБЕЛЬ» ФИРМА МАГАЗИНИ (Юнусовод массиви, 8-квартал, 39-уй) ДАН ОЛИШИНГИЗ МУМКИН. Телефон 24-87-45.



«ЎЗБЕКПРОЕКТМЕБЕЛЬ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

«Союзторгреклама» Вутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27)

М. ҚОРИЎҚУБОВ номидаги Ўзбек давлат филармонияси И. ОҲУНБОБОВ номидаги ЁШ ТОМОШАБИНЛАР ТЕАТРИ БИНОСИДА 18 ЯНВАРЬ СОАТ 19.30 ДА 19 ЯНВАРЬ СОАТ 19.30 ДА

Бутуниттифоқ бадий коллективлари кўриги конкурсининг лауреати ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артисти Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ҚИЗЛАРХОН ДЎСТМУҲАМЕДОВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти

ГУЛШОД ОТАБОВЕВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ФУЛОМЖОН ЕҚУБОВ

Тошкент область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

НАРЗИДДИН ШЕРМАТОВ

Солистлар: ДИЛОРОМ ҚАЮМОВА, ХОТАМ ХОЖИЕВ, РАҲИМА НОСИРОВА, АБДУҚОДИР ЮСУПОВ.

«ШОДЛИК» ансамблининг бадий раҳбари ва бош балетмейстери — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати ҚОДИР МУМИНОВ

«ШОДЛИК» ансамблининг музыка раҳбари — ИСМАТИЛЛА РАҲМАТУЛЛАЕВ.

Программани ўтқизиб берувчи олим бўлади.

Билетлар театр биносида (Наалинин майдони) соат 14 дан сотилмоқда.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармасининг

«Ешлик» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

Озиқ-овқат моллари кичик сотувчиларини тайёрлайдиган

4 ОЙЛИК ВА

контролёр-кассирларни тайёрлайдиган

6 ОЙЛИК

КУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КУРСЛАРГА 8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 16

ЕШДАН 25 ЕШГАЧА БУЛГАН ТОШКЕНТЛИК ҚИЗЛАР ВА

ЙИГИТЛАР ИМТИҲОНСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқувчиларга ҳар ойда 50 сўмдан 64 сўмга стипендия берилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Бир вақтинчиг ўзида ўқувчилар кечки мактабда ёни савдо техникумида ўқишлари мумкин.


«Ешлик» МАКТАБ-МАГАЗИНИНИ ТУГАТГАНЛАР ИИРИК МАГАЗИНЛАРГА ЙўЛЛАНМА БИЛАН ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР ҲАМДА УЛАРГА САВДО ТЕХНИКУМИНИНГ КЕЧКИ БўЛИМИГА КИРИШДА ИМТИВЭЗЛАР БЕРИЛАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОЛИБ

БОРИЛАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Нафанов кўчаси, 65-уй (1, 2, 5, 8, 9, 24, 26, 10-трамвайлар, 2, 3, 22, 80, 161, 32-автобусларнинг «Госпиталь» бозори) бекати).

Справкалар олиш учун телефон 55-75-15.



ШАНБА, 18. I

● МТ I

9.00 «Время».

9.40 Н. Паганини. Скрипка ва гитара ижроси учун сонаталар («Экран»).

10.05 «Оддий — мураккаб ҳақиқатлар». Ота-оналар учун телевизион журнал.

10.35 «Буратино кўргазмаси».

11.05 «Здоровье».

11.50 «Иван Бабушкин». Тўрт серияли телевизион бадий фильм. 4-серия.

12.55 «Ҳалма учун ва ҳар бир киши учун».

13.25 «Севги ҳақида дoston». М. Ауэзов номида Қозоқ Давлат академик театри фильм-спектаклининг премьераси.

15.35 «Дунё воқеалари».

15.50 «Хайвонот оламида».

16.50 «Ҳамдустлик».

17.20 «Давр ва ўзим ҳақида». Шейри антилогия. Александр Блок. РСФСР халқ артисти А. Демидова ўқийди.

17.35 В. В. Андреев туғилган кунининг 125 йиллиги.

19.30 «Шахтада қотилдик режаси», «Қотиллар учун кишанлар».

Телевизион бадий фильмлар премьераси. «Шафқатсиз фронт» сериясидан (ГДР).

21.30 «Время».

22.05 Шанба оқшомида.

23.35 «Нафосат сари йўллари». 00.05 Янгиликлар.

● МТ II

16.55 Футбол бўйича В. А. Гранаткин хотираси учун халқаро ўсмирлар турнири.

17.35 «... ва музикалар куйи ҳам» Телевизион ҳужжатли фильм

17.45 «Кинопанорама».

19.35 А. Фёдоров (балалайка) ва В. Сидельников (гитара) чаладилар.

20.00 «Новгород». Телевизион ҳужжатли фильм («Экран»).

20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».

20.45 «Ушбу кўшбўй, шифобахш чой». Телевизион очерк.

21.00 «Русские узори» халқ чолғу оркестрининг концерти.

21.30 «Время».

22.05 «Сен ҳақида». Телевизион бадий фильм («Экран»).

23.30 Стол тенниси бўйича СССР чемпиони.

24.00 Футбол бўйича В. А. Гранаткин хотираси учун халқаро ўсмирлар турнири.

● УТВ I

7.30 Ритмик гимнастика.

7.50 «Салом, кичкинтойлар!» Мультфильм.

8.00 «Тонгги тароналар».

8.10 «Асрлар садоси». Телефильм.

8.20 Мактаб ўқувчилари учун.

«Ленин ҳақида ҳикоялари (такрорий)».

8.30 «Ахборот».

8.50 «Чаналар елдек учмоқда». Телефильм.

9.00 Москва. «Время».

9.40 «Саломат бўлинг!» «Уйимиздаги тренажерлар».

10.10 «Хамид Қораёв», «Тақдир», «Ўзбектелефильм» студиясининг ҳужжатли фильмлари.

11.05 «Бун ҳақида билиш ва ундашлик керак».

11.35 А. Абдуллин. «Эн учинчи раис». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.

13.15 «Энг яхши тажриба — ҳужжалик юритиш практикаси».

18.00 Кўрсатувлар программаси.

18.05 Болалар учун фильм. «Оқ автомобиль».

18.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат гунчалари».

19.00 КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди олдидан. «Тинчлик ва бунёдкорлик программаси». КПСС программ ҳужжатларини муҳокама қиламиз.

19.30 Ахборот (рус.).

19.45 «Мультипанорама».

20.30 «Ахборот».

20.50 Телевизион миниатюралар театри.

21.30 Москва. «Время».

22.05 «Йисон ва замин». Қишлоқ ҳўжалик ходимлари учун программа.

23.25 Кўрсатувлар программаси.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Геология ва геофизика институтини коллективини институт ходими У. Ш. Ибрагимовнага отаси

Шариф ИБРАГИМОВнинг

вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия илҳозор қилади.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТАТА ТЕАТРИДА — 17/1 да 1 Тўмарис, 18/1 да Отелло. ҲАМЗА НОМИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/7/1 да Курорт, 18/1 да Парвона. а.

КИНО

17 ЯНВАРДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР: «222-РЕИС» — Санъатат саройи (катта зал, 18.30, 2 20.50; телефонлар 44-21-34, 44-2-21-44, 44-21-74). Нукус (11.30, 20.45; телефон 46-7-70-69), Москва (18.30, 20.45; телефон 33-05-01), Қозғистон 17, 2 20.00; телефон 35-24-92), 1 Ватан (18, 21.00; телефон 74-3030-38).

«ЎЗ ҚЎЗИНГ БИЛАН К КЎР» — Санъат саройи (кичик к зал (17, 19.30) Лисунов ва номли (17, 20.00; телефон 96-334.02). Чайка (18.30, 21.00; телефон 77-06.20).

«САМРААТ» — ВККСМ 30 йиллиги (17, 20.00; телефон 33-44-52). «НАРАТ КҲНИ» — I Искра (18, 20.00; телефон 39-14-59).

«ПАРОЛНИ ИККИ КИШИ БИЛАДИ» — Мақсуд П Шайхзода номли (тоқ соатларда, телефон 42-39-74).

18 ЯНВАРДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР: «222-РЕИС» — Санъатат саройи (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.50; телефонлар 4-44-21-34, 44-21-44, 44-31-7